

Фикҳ дарслари (57-дарс). Уйланишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш



15:05 / 31.10.2019 6059

Мажлиснинг оддий ёки фавқулоддаги йиғинида, агар имкони бўлса, қатнашувчиларнинг барчаси ёки аксари тўплангандагина фатво ва қарорлар ишлаб чиқилади. Мухолиф фикрли аъзо мухолифлик сабабларини фикҳий академиянинг амалдаги усуллариغا биноан исботлашга ҳақлидир.

Асосий низом шу асосда ишлаб чиқилади. Мажлис бошлиғи ёки аъзоларидан бирортаси фатвони ишлаб чиқишда мажлис номидан, агар улар мувофиқ бўлишмаса, фатво чиқаришга ҳақдор эмаслар. Демак, аъзолардан ҳар бир киши шахсий сифати билан фатво бериш ёки расмий мажлиснинг варақларига ёзиб, қайд этиш ҳуқуқига эга.

Мажлиснинг шохобча ҳайъатлари

Мажлиснинг даврий йиғини узоқ фурсатларда бўлиши ва шу билан бирга, Европадаги мусулмонларнинг шошилиш фатволарга умумий ҳолатлари борлигини ҳисобга олиб, Мажлис ўзининг иккинчи йиғинида фатволар учун шохобча ҳайъатини таъсис этди. Бу шохобчанинг бири Францияда, иккинчиси эса Англияда жойлашган.

Ана шу пайтдан буён улар ўз ишларини амалга ошириб келмоқдалар. Шу сингари, мажлис «Баҳс ва тадқиқотлар» марказини ҳам таъсис этди. Бу марказ асосан ушбу Мажлис мажалласи, қарор ва фатволарини босиш

билан шуғулланади.

фатво ва илмий баҳслар бўйича Европа мажлиси

Ҳн тўртинчи сессия (23–27 февраль, 2005 йил) қарор 2/14.

Уйланишдан олдин тиббий кўриқдан ўтиш ҳақида

Мажлис уйланишдан олдин икки никоҳланишни истовчилардан бирида юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтиш масаласини кўриб чиқди. Бу борада тайёрланган илмий тадқиқотни атрофлича ўрганиб чиққандан кейин мажлис қуйидагиларга қарор қилди:

1. Уйланишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўриқнинг юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни аниқлашда фойдалари бор. Бу сабабли уйланишдан сақланиш мумкин. Шу билан бирга, бу ишнинг айб ва салбий тарафлари ҳам бор. Хусусан, бировнинг айбини очиш, унга маънавий зарар етказиш ва келажагини хавф остида қолдириш кабилар.

2. Тиббий кўриқни ман қилувчи нарса шариатда йўқ. Жумладан, ирсий кўриқнинг ҳам. Фақат айбни ошкор қилмаслик керак ва даволанишга йўл топиш лозим.

3. Агар никоҳни истовчи тарафлардан бири уйланишдан олдин тиббий кўриқни шарт қилса, монелик йўқ.

4. Агар икки тараф уйланишдан олдин келишган ҳолда тиббий кўриқдан (ирсийдан бошқа) ўтишни истасалар, монелик йўқ. Фақат сатр бўйича Ислом одобларига амал қилиш ва бошқа тарафга зарар еказмаслик шарт.

5. Икки тарафга ҳам уйланишдан олдин ўзидаги юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталикни яшириш жоиз эмас. Агар яширса ва бу иш иккинчи тарафнинг хасталаниши ёки ўлимига сабаб бўлса, сабабчи тараф шариат ҳукми бўйича барча жазо ва тўловларни ўташи мажбурий бўлади.

6. Агар никоҳдан кейин икки тарафдан бири иккинчисининг юқумли ёки уйланиш мақсадларига таъсир ўтказадиган хасталиги борлигини билиб қолса, никоҳни бузишга ҳаққи бор.

Фатво ва илмий баҳслар бўйича Европа мажлиси таркиби:

Шайх доктор Юсуф Қаразовий – раис (Қатар).

Шайх қози Файсал Мавлавий – раис ноиби (Ливан).

Шайх Ҳусайн Муҳаммад Ҳалова – бош котиб (Ирландия).

Турли давлатлардан йигирма тўртта аъзо мавжуд.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан